30897

Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 27 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. № 66 (6962)

Da'vat

Боғбондан парвариш кўрмаса ниҳол,
Улғайиб ўсолмас, тополмас камол.
Хуррамий

Ibrat

Чирчиқдаги 8-ўрта мактаб муаллимлари ва ўқитувчилар жамоаси шаҳардаги 14-сонли ногирон болалар уйини ва умуман жисмоний хаста чирчиқликларни оталиққа олишга қарор қилдилар. Болажонларга кўплаб китоб ва ўйинчоқлар тортиқ этилди.

Президент Ислом Каримовнинг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимидаги табрик сўзи

Хонимлар ва жаноблар!
Азиз меҳмонлар ва дўстлар!
Фестиваль қатнашчилари!

Энг аввало, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг қатнашчиларини гўзал Шарқимизнинг дурдонаси — қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида муборакбод этишдан бағоят мамнун эканимни изҳор қилишга ижозат бергайсизлар!

Бугунги мусиқа байрамида иштирок этаётган Япония, Хитой, Туркия, Ҳиндистон, Эрон, Покистон, Миср, Индонезия, Корея Республикаси, Бангладеш, Вьетнам, Таиланд, Малайзия, Иордания, Исроил, Мўғулистон, ўзимизнинг яқин қўшниларимиз Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон вакилларига, Россия, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия, Олмония, Австрия, Юнонистон, Мексика, Арманистон, Латвия ижрочи ва санъаткорларига чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, уларнинг ҳар бирига ўзбек халқининг саломи ва ҳурматини етказишдан бениҳоя бахтиёрман!

Фестивалимизнинг фахрий меҳмонлари — ЮНЕСКО вакилларини, Халқаро мусиқа кенгаши раҳбариятини ва бошқа азиз меҳмонларимизни қизғин табриклаймиз ва «Самарқанд тупроғига хуш келибсиз!», деб чин кўнгилдан қутлаймиз.

Муҳтарам дўстлар!

«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали Ўзбекистонда, айни Самарқанд заминида ўтаётгани бежиз эмас. Самарқанд ҳақли равишда дунё цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади.

Бу ерга Амир Темур, Имом Бухорий, Хожа Аҳрор Валий, Улуғбек, Қозизода Румий, Шарафиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий, Клавихо, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Вамбери, Абдураззоқ Самарқандий каби ўнлаб ва юзлаб буюк инсонларнинг қадамлари теккан.

Не-не буюк давлат арбоблари, санъаткорлар ва ижодкорлар бу шаҳри азимни зиёрат қилган.

Самарқандни азал-азалдан турли халқ вакиллари ва маданиятлари учрашган манзил бўлган, деб айтсак асло хато бўлмас.

Азиз дўстлар!

Шарқ мусиқаси — Шарқ фалсафаси, Шарқ дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк.

Сиз меҳмон бўлиб турган қадимий Самарқанд музейларидан бирида археологларимиз топган ғоят ноёб, тилла буюмлардан ҳам қимматлироқ мусиқий асбоб — беш минг йиллик най авайлаб асралмоқда. Уни кўрган инсон беихтиёр Шарқ мусиқаси тарихини ўйлайди.

Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда.

Ўзининг нозик жозибаси билан дунё маданиятига озуқа бериб, умумбашарий қадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

Қадимий Самарқандга, буюк воқеалар шоҳиди бўлмиш Регистон майдонига Сизларни эзгу бир ният билан таклиф этдик.

Ишонаманки, Сизларнинг гўзал санъатингиз Шарқимиз мусиқа дурдоналарини бутун дунёга яна бир бор намойиш қилади.

Ишонаманки, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзида барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйготади.

Ишонаманки, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали халқларимиз маданиятларини ўзаро бойитади, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, халқларимизни ва инсонларимизни бир-бирига яқинлаштиради.

Ишонаман, қадимий Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва Шарқ халқлари куй ва оҳангларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Ҳурматли меҳмонлар!

Сизларни ҳеч бир муболағасиз «маданият ва дўстлик элчилари» деб аташ мумкин. «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали очилиши муносабати билан барчангизни Ўзбекистон халқи номидан яна бир бор муборакбод этаман ва ижодларингизга омадлар тилайман.

Азиз томошабинлар!

Самарқанд аҳли!

Ҳеч қандай шубҳам йўқки, сиз биродарлар фестиваль иштирокчилари ва меҳмонларига уларни қўллаб-қувватлашда ўзбек халқига муносиб меҳмондўстлик ва бағрикенглик фазилатларини албатта намойиш этасизлар.

СОВҒА

Пойтахтимизнинг Сирғали туманида янги 322-мактаб қурилди. Бу албатта сиз билан биз учун оддийгина хабардек туюладию аслини олганда шугина хабарнинг остида юзлаб қувончли чеҳралар турибди.

Ушбу янги мактаб биносини мустақиллигимизнинг 6 йиллигига муносиб совға дейишмоқда. Уларнинг гапи ҳам тўғрикуя, бироқ бизнингча янги мактаб келажакка совға.

Р. АЛЬБЕКОВ, Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

1996 ЙИЛ

Она заминимиз бир зум ҳам ҳормоқ нелигини билмай, ўз ҳаракатида сабот билан давом этмоқда. Ана шу ҳаракатлар бино этган XX асрнинг 1996 йили ҳам тарих бўлиб қолди.

Бу хайрли йил Ватанимиз шон-шавкатини дунё элларига янада баралла овоза этди. Шу йилда Ватанимизда, хорижда миллатимиз фахри бўлиб тарих зарварақларида номи абадий муҳрланган соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг 660 йиллик тўйларининг нишонланиши жуда катта воқеа бўлди. Мазкур анжуман баҳонасида қарийб 150 йиллик истибдод соясида қолган миллий қадриятларимиз қайта юз очди, тарихий ҳақиқат яна тантана қилди. Буюк соҳибқирон шарафига қўйилган Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабздаги ҳайкаллар, пойтахтимизнинг хушманзара ерида бино этилган, кўк гумбази кўзни қамаштирувчи «Темурийлар даври тарихи» Давлат музейи бунинг яққол исботидир.

Шу йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Ўзбекистон Республикаси ишчи кадрларини узлуксиз касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини шакллантириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорга мувофиқ эндиликда республикамизда малакали ишчи кадрларнинг янги авлоди тарбия топадиган бўлди.

ИСТИҚЛОЛ ИНЪОМЛАРИ

Иқтисодий тараққиётга эришиш ҳар бир давлатнинг олдида турган бош мақсадларидан бири ҳисобланади. Хўш, эндигина бозор иқтисоди муносабатларига босқичма-босқич тетапоя қириб келаётган мустақил Ўзбекистон қай йўлдан бориши керак?! Айнан ана шу саволга мамлакатимиз раҳбарияти халқимизнинг «Аввал иқтисод, кейин сиёсат... энг аввало маънавият» деган пурмаъно ҳикматини амалда қўллаш билан жавоб қайтарди. Шу йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармоннинг ижроси ўлароқ шу кунга қадар юртимизда маънавият ва маърифат борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Дарвоқе, айнан ана шу Фармонга мувофиқ 1997 йилдан бошлаб 1 октябрь «Ўқитувчилар ва мураббийлар» куни деб эълон қилинди ва дам олиш куни деб белгиланди. Бу эса ўз навбатида мамлакатимиз ҳукуматининг ўқитувчи ва мураббийларга кўрсатаётган ғамхўрлиги тимсолидир.

Ta'lim homiylari

ҲИММАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

Мамлакатимизда таълим бериш ва билим олишга рағбатни ошириш борасида кенг кўламли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ҳамда уларнинг бекаму кўст амалга оширилишини кафолатловчи қарорлар қабул қилинмоқда. Ҳукуматимизнинг бу каби ғамхўрликлари яна бир нарсага, яъни жойлардаги ишбилармону тадбиркорларнинг саховатларини мактабга, болалар боғчаларига қаратишга далда бўлди.

Аслида ҳам қалбида Ватан туйғуси, миллат ғурури, пок инсоний хислатлар жўш урган кишилар ҳамиша биринчи галда таълим-тарбиянинг ҳомийлари бўлишган. Қўйнимиз ҳам, қўнжимиз ҳам ўзимизникига айланган ушбу кунларда эса бунинг аҳамияти юз чандон ортади. Шу ўринда Андижон вилояти Андижон туманидаги «Мустақиллик» фермер хўжалиги бошлиғи Ҳабибулло Маҳсумовнинг ҳимматини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳабибулло ака 220 ўринли мактаб биносини қуриб, уни тўлиқ жиҳозлаш ишларининг ҳам уддасидан чиқди. 4 миллион 700 минг сўмга чақилган бу иш, албатта Ҳ. Маҳсумовнинг қалб амри. Бундан руҳланган Халқ таълими вазирлиги ушбу мактабга IBM русумли компьютер тўпламини совға қилди.

Албатта, давлатимиз раҳбарининг маълум бир соҳага, муаммога эътибори жойлардаги маҳаллий ҳокимликларнинг, раҳбарларнинг ҳам шунга муносабатини белгилайди. Сўнгги пайтларда кўпгина туман, жамоа хўжалиги раҳбарларининг ўз ҳудудларидаги мактабларни, болалар боғчаларини ўзимники, дея тушуниб, шунга яраша уларга оталиқ қилаётганлиги кишини қувонтиради.

Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа тумани ҳокими А. Тожиев ташаббуси билан тумандаги барча мактаб ўқувчиларига чидамли мато — жинсидан мактаб формаси тикилиб тарқатилди.

Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов туманидаги Жийнов жамоа хўжалиги (директори Мирсаидов) ўз ҳисобидан 624 ўринли мактаб биносини қуриб, фойдаланишга топширди. 22-давлат хўжалиги эса Мусо Жалил номидаги мактабга ҳамда «Саодат» болалар боғчасига таъмир учун 1,5 млн сўм маблағ ажратди.

Шунингдек, бундайин эзгу иш этагини тутганлардан Фарғонадаги 84-МПМИ шаҳардаги 36-мактабни, вилоят нефтни қайта ишлаш корхонаси шаҳардаги 26-болалар боғчасини таъмирлашга салмоқли улуш қўшишган. Андижонлик темир йўл ходими Абдужалил Шарипов ўз маблағидан Булоқбоши туманидаги 30-мактабга 11 миллион сўм сарфлади. Таълим-тарбия масканларига меҳр кўзи билан қараётган олижаноб инсонларни санашда давом этсак, республикада улар жуда кўпчиликни ташкил этади. Улкан ўзгаришлар, ислоҳотлар бўсағасида турган таълим тизимининг янада такомиллашувига хизмат қилаётган уларнинг ҳимматига балли, деймиз.

А. ЭРНАЗАРОВ.

• Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди, унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов иштирок этди.

• Республика Вазирлар Маҳкамасида мамлакатимиз мустақиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика ташкилий қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

• Президент Ислом Каримов мамлакатимиз пойтахтида мустақиллик арафасида қад

JUMLADA JAHON

кўтарган «Жар» спорт маркази ҳамда «Юнусобод» теннис мажмуида қуриб битказилган усти ёпиқ теннис кортини бориб кўрди.

• БМТ тинчлик миссияси вакиллари ҳамда Тожикистондаги қарама-қарши кучларнинг мулозимлари Давлат Усмон ва Амирқул Азимовлар тушган вертолёт Душанбедан 140 км узоқликда бўлган Чилдарада номаълум кучлар томонидан ўққа тутилди, тасодиф туфайли кишилар омон қолди.

• Афғонистондаги мухолиф кучлар Кобул яқинида толибларга қарши шиддатли ҳужум бошлаган бўлсалар-да, томонларнинг мавқеларида ҳозирча жиддий ўзгариш йўқ.

• АҚШ Президенти Билл Клинтон федерал ҳукуматга қарашли ёки ижара шартлари асосида тасарруфидаги барча бинолар ва объектларда чекишни тақиқловчи фармон чиқарди, фармонни тўла-тўкис амалга ошириш учун бир йил вақт берилди.

МММ — ХАБАРЛАРИ

КИЧКИНА «ЮРИСТ»ЛАР

Куни кеча пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 105-мактабга Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти билан ҳамкорликда ташкил этилган ҳуқуқий фанларга асосланган гимназия синфларига янги 1997—98 ўқув йили учун ўқувчилар танлов асосида қабул қилинди. Бу гимназияда Тошкент шаҳрининг барча мактабларидан иқтидорли ўқувчилар икки босқичда имтиҳон топширдилар. Биринчи босқичда она-тилидан диктант, иккинчи босқичда эса ҳуқуқий фанлардан суҳбат ўтказилди.

Гимназия синфларига қабул қилинган ўқувчиларга Тошкент давлат ҳуқуқшунослик институти ўқитувчилари ихтисосликдан сабоқ берадилар.

Ш. ЖУМАЕВ.

«МАҲАЛЛА КУНИ» БАЙРАМИ

Яқинда Тошкент шаҳрининг икки тумани маҳаллаларининг аҳли «Маҳалла куни»ни байрам қилиш учун Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғига тўпландилар. Анъанага кўра кечгача давом этган ажойиб байрам куй-қўшиқларга бой бўлди. Унда турли спорт ўйинлари ҳам уюштирилди. Байрам ниҳоясида шаҳар аҳли учун миллий одатимизга кўра ўзбекона ош тортилди.

Н. ОЧИЛОВ.

ҲИНДЧА ТАБАССУМ

Бу йил Ҳиндистоннинг инглиз мустамлакачиларидан озод бўлганига 50 йил бўлди. Шу муносабат билан яқинда республикамиз амалий санъат музейида ҳиндистонлик биродарларимиз ўз миллий байрамларини нишонладилар. Бу ерда янграган ҳинд куй-қўшиқлари, жаранглаган шодон кулгу-хандалар йиғилганларга кўтаринки руҳ бағишлади.

Ф. КАМРОН.

Байрамлар арафасида ўқитувчилар анжумани 3-бет

Бухоро булбулининг довруғи 4-бет

Sharh

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 20 августда «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу халқ таълими соҳаси ходимларини ва ўқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишда, шубҳасиз, катта аҳамиятга молик муҳим ҳужжатдир. Шу муносабат билан қарорда кўзда тутилган масалалар ҳақида таҳлилий фикр-мулоҳаза билдиришни мухбиримиз Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султоновдан илтимос қилди.

КАТТА ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати давлатимиз мустақиллигининг ўтган олти йили мобайнида бюджет ташкилотлари ходимларини, биринчи навбатда ўқитувчиларни ижтимоий ҳимоя қилишга, шунингдек, кам таъминланган оилалар, шу жумладан, етим болаларга ғамхўрлик кўрсатишга катта эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 409-сонли навбатдаги қарори ҳам ана шу эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин намунасидир. Қарорга асосан умумтаълим ўқув муассасалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларининг 80 фоизидан зиёди шу йил 1 сентябрдан бошлаб синф раҳбарлиги, дафтар текшириш ва ўқув хоналарини бошқарганлиги учун тўланадиган қўшимча ҳақ миқдори 2 мартага ортади. Жумладан, 1 сентябрга қадар синф раҳбарлиги учун тўланадиган қўшимча ҳақ ўртача энг кам иш ҳақининг 19,9 фоизини, яъни ойига 149 сўмни ташкил этган бўлса, 1 сентябрдан бошлаб бу қўшимча ҳақ энг кам иш ҳақининг 50 фоизини, яъни ойига 375 сўмни ташкил қилади. Дафтар текшириш учун тўланган қўшимча ҳақ илгари энг кам иш ҳақининг 16,8 фоизи миқдорида ёки 126 сўм бўлган бўлса, 1 сентябрдан бошлаб у энг кам иш ҳақининг 33,5 фоизига етади ёки 251 сўмни ташкил қилади. Фан хоналарига раҳбарлик учун тўланадиган қўшимча тўлов ҳам сезиларли даражада ошади. Илгари бу ҳар ойда энг кам иш ҳақининг 9,8 фоизи миқдорида бўлиб, 73 сўмни ташкил қилган бўлса, эндиликда энг кам иш ҳақининг 25 фоизига етади ва ойига 188 сўмни ташкил қилади. Бу тадбирлар учун давлатимиз йилига 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратишни кўзда тутгандир.

Қарорда, шунингдек, 1 сентябрдан бошлаб бевосита ўқув-тарбия жараёнлари билан боғлиқ раҳбар ходимларнинг, жисмоний ёки ақлий ривожланишида камчилиги бўлган болалар ва ўсмирлар учун махсус ўқув-тарбия синфлари -(гуруҳлари)даги алоҳида иш шароитлари учун педагог ходимлар, руҳшунослар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ставкалари ва ойлик лавозим маошларига қўшимча ҳақ икки баробарга ошади. Буни қуйидагича изоҳлаш мумкин. Агар ёрдамчи мактаб 1-тоифа ўқитувчисининг 1 сентябрга қадар қўшимча ҳақ билан ойлик маоши жами 3951 сўмни ташкил этган бўлса, мазкур қарорга кўра шу йил 1 сентябрдан бошлаб ойлик маоши қўшимча ҳақ билан бирга 5268 сўмни ташкил этади. Бу педагог ходим оила бюджетига салмоқли барака беради демакдир.

1997 йил 1 сентябрдан барча турдаги болалар уйлари ҳамда интернатлари тарбиячиларининг ойлик маошлари ҳафталик ўқув соатлари 30 соатдан 25 соатга туширилиши ҳисобига 1,2 баробар ошади. Масалан, мактаб-интернатнинг 1-тоифали тарбиячиси илгари бир ҳафтада 30 соатлик педагогик иш бажариб, ойига 2388 сўм олган бўлса, шу йилнинг 1 сентябридан бошлаб эса худди ўша ҳафталик 30 соат ишни адо этиб, ойига 2865 сўм олади.

Мазкур қарорга биноан 1-синф ўқувчилари (бу йил республикамизда 641 минг ўқувчи 1-синфга боради) ҳар йили 12 номдаги (портфель, 12 та дафтар, қалам, пластилин, ручка, қаламдон, ўчирғич, клей, рангли қоғозлар тўплами, расм чизадиган альбом, бўёқ) ўқув қуроллларини ўз ичига олган тўплам билан таъминланадилар. Шу мақсадга давлат томонидан 0,5 миллиард сўмдан ортиқ миқдорда маблағ ажратилган.

Шунингдек, 1—4-синф ўқувчиларининг умумий сонига нисбатан 15 фоизи (375,0 мингга яқин) қишки кийим (пальто ёки куртка, ботинка ёки этикча, бош кийими, қўлқоп) тўплами билан таъминланади. Бунга давлат томонидан 1,0 миллиард сўм маблағ ажратилади.

Халқ таълими вазирлиги ва унинг вилоят ва туманлардаги бошқарма, бўлимларида ҳамда таъминловчи ташкилотларида ҳокимликлар билан биргаликда ушбу буюртмаларни ўз вақтида олиш ва жойларга етказиш бўйича катта ишлар қилинди. Янги ўқув йилининг биринчи кунида 1-синфларга тантанали равишда тўлиқ ўқув қуроллари тўплами топширилади. Шунингдек, маҳаллий органлар билан келишилган муддатда қишки кийимлар тўплами ҳам берила бошланади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бирорта собиқ Иттифоқ республикаларида ва бошқа кўплаб ривожланган мамлакатларда ўқувчиларга — мамлакат келажагига бунчалик катта ғамхўрлик қилинмаган.



СИНФ ЖУРНАЛЛАРИНИ ОЛДИНГИЗМИ?

Суратда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан бошланғич ва юқори синфлар учун алоҳида тайёрланган синф журналларининг мукаммал шаклларини кўриб турибсиз. Ҳар иккала журнал пишиқ ва пухта, шу билан бирга, чиройли рангларда ишланган бўлиб, неча йиллик тажриба ва фикрлар асосида тайёрланган.

Айни пайтда журналлар республикамизнинг барча мактабларига тарқатилган ва янги ўқув йилидан бошлаб ана шу ҳужжат асосида иш юритилади. Энг муҳими, ўқитувчилар бу журналда аввалгиларидек сифатсизликни кўришмайди, саҳифаларнинг етишмай қолиши ва шу каби турли хил тушунмовчилик ҳолларига дуч келишмайди.

Бошқа ҳужжатлар каби бу журналларнинг юритилиш тартибини халқ таълими вазири тасдиғидан ўтган мактаб ҳужжатларини юритиш ҳақидаги йўриқномадан билиб олишингиз мумкин. Йўриқнома барча мактабларга тарқатилган.

Улуғбек ОДИЛОВ.

2- SINFDA ONA TILI DARSLARINI REJALASHTIRISH

Ushbu rejalashtirish Boshlang'ich ta'lim Davlat standarti, ona tili dasturi, dastur asosida yozilgan «Ona tili» darslariga qo'yilgan asosiy talablar va boshlang'ich sinflar uchun nashr etilgan metodik qo'llanmalarni hisobga olgan holda tuzildi.

O'qituvchi rejalashtirishga ijodiy yondoshadi. Bunda u boshlang'ich sinflar ona tili darslarida og'uvchilarning og'zaki va yozma nutqini o'stirishga, ona tili darsining uchdan ikki qismida o'quvchilar mavzu va imlo qoidalarini o'zlashtirishga, shuningdek, bayon va insho yozishda amaliy tayyorlaydigan mashqlarni yozma bajarishga alohida ahamiyat berish talab etilishini, bu talablarni amalga oshirish uchun o'quvchilarning ona tili daftarini haftada ikki marta, albatta, tekshirishi, o'quvchilari yo'l qo'ygan xatolar ustida muntazam ishlab borishi va xatolarning oldini olishga erishishi zarur.

Foydalaniladigan adabiyotlar

1. Qosimova K., Fuzailov S., Ne'matova A. «Ona tili», 2-sinf ychun darslik, Toshkent, «O'qituvchi», 1997.
2. Qosimova K., Ne'matova A. «Ikkinchi sinfda ona tili darslari», Toshkent, «O'qituvchi», 1997.
3. Abdullayeva Q., «Diktantlar to'plami», Toshkent, «O'qituvchi», 1997 y. yoki Abdullayeva Q. va boshqalar. «Diktantlar to'plami», Toshkent, «O'qituvchi», 1992.
4. Umarova M., Xudoyberganova M. «Bayonlar to'plami», Toshkent, «O'qituvchi», 1992.
5. Ne'matova A. «Ona tilidan tarqatma materiallar» «O'qituvchi», 1997.

Darslar tartibi	Darsda o'rganiladigan mavzu	Adabiyotlar ro'yxati, sahifasi, mashqlar.
	1-chorak: 9 hafta, 36 soat	
	1-sinfda o'rganilganlarni takrorlash	
1	Gap mazmunan o'zaro bog'langan so'zlardan tuziladi	1—4-mashqlar
2	Gap haqidagi o'quvchilar bilimini umumlashtirish	5—8-mashqlar
3	Kishilarning ismi, familiyasi, hayvonlarga qo'yiladigan nomda bosh harf	9—11-mashqlar
4	Tovushlar va harflar	12-15-mashqlar
5	Unli tovush va harflar	16-18-mashqlar
6	A va O unlilari	19-21-mashqlar
7	U unlisining aytilishi va yozilishi	22—24-mashqlar
8	I va E unlilari	25—27-mashqlar
9	Kitobdan diktant yozishga tayyorlanish va uni yozish (esdalikka qarang)	28-mashq
10	Rasmlar yordamida matnni asl holiga keltirib yozish. Matnni bo'limlarga bo'lishni kuzatush. Diktant tahlili.	29—30-mashqlar
11	Undosh tovushlar va harflar	31—33-mashqlar
12	Rasmga qarab hikoya tuzish, sarlavha tanlash. Matnni o'qish va savollarga javob yozish.	34—35-mashqlar
13	Yozma ish tahlili, yo'l qo'yilgan xatolar ustida mashq.	
14	Harflar birikmasi bilan ifodalanadigan tovushli so'zlar	36—38-mashqlar
15	Harf birikmasi yoziladigan so'zlarni bog'inlarga to'g'ri bo'lish	39—41-mashqlar
16	Diktant. «Dugonalar»	39-bet
17	Diktant tahlili, xatolar ustida ishlash mashqlari	
18	Sirg'aluvch J tovushi	42—44-mashqlar
19	H va X tovushli so'zlarning aytilishi va yozilishi	45-48-mashqlar
20	Matnni savollar yordamida og'zaki va yozma qayta hikoyalash	49—50-mashqlar
21	Yozma ish tahlili, xatolar ustida ishlash mashqlari	
22	Tovushlar va harflar yuzasidan mustahkamlash mashqlari	51—53-mashqlar
23	Tutuq belgisining ishlatilishi	54—56-mashqlar
24	Tutuq belgili so'zlarni boq'inlab kochirish	57—59-masnqlar
25	Diktant. «Qashqa»	60-bet
26	Diktant tahlili, xatolar ustida ishlash mashqlari	
	O'zbek alifbosi	
27	Alifbo	60—64-mashqlar
28	So'zlarni alifbo tartibida yozish	65—68-mashqlar
29	Alifbodan amaliy foydalanish	69—71-mashqlar
30	Matnni og'zaki va yozma qayta hikoyalash. «Lola»	36-bet
31	Yozma ish tahlili, xatolar ustida ishlash mashqlari **Nutq. Matn. Gap.**	
32	Nutq haqida tushuncha. Og'zaki va yozma nutq	72—75-mashqlar
33	Gap — nutq birligi	76—78-mashqlar
34	Gap tugallangan fikr bildiradi	79—80-mashqlar
35	Diktant	
36	Diktant tahlili, xatolar ustida ishlash mashqlati	

УСТОЗ НОМИ БИЛАН ФАХРЛАНАМИЗ

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов тумани Бешқайрағоч даҳасида 1981 йилда бунёд этилган 129-мактабнинг очилиш маросими бевосита Шароф Рашидов иштирокида зўр тантана билан тарих зарварақларига битилган эди. Шу йилиёқ мактабга Меҳнат Қаҳрамони Оқилхон Шарафиддинов номи берилди.

Ҳозирда Абдулла Қодирий, Ҳайратий, Журжоний ва «Бешқайрағоч» маҳаллалари ўртасида жойлашган мазкур мактабда бир минг икки юздан зиёд ўқувчиларга юзга яқин малакали ўқитувчилар таълим-тарбия бермоқдалар.

— Мактабимизга Оқилхон Шарафиддинов номи берилган кунданоқ, — деб гап бошлайди мактаб директори Содир Абдуллаев, — мактаб тарихи музейи шакллана бошлади.

— Музей хонасининг жиҳозланишида, — деб суҳбатга аралашди бошланғич синф ўқитувчиси Мавлудахон Хўжаева, — айниқса, устозимизнинг фарзандларидан Мақсуд ака, Тўлқин ака ва Дилбархон опаларнинг хизматлари катта бўлмоқда...

Ҳақиқатан ҳам музей экспонатларини кўздан кечирсангиз, уларда, айниқса, 1938 йилда илк марта лотин графикасида битилган «Алифбе» дарслиги (биринчи синфлар учун)дан бошлаб то унинг сўнгги нашригача ҳамма-ҳамма нусхалари сақлаб келинмоқда. Устознинг иш фаолиятларини акс эттирувчи қўлёзма ҳужжатлар дейсизми, устознинг ўз фарзандларига айтган ёзма панд-насиҳатномалари дейсизми, у яратган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, методик тавсиялар, кўргазмали қуроллар дейсизми — ҳамма-ҳаммаси кўзга ташланади. Шунингдек, устознинг иш фаолиятларига тааллуқли суратли альбомлар, вақтли матбуот материаллари ва ҳукумат томонидан берилган унвон ҳужжатлари ва бошқа расмий ҳужжатлар кўз қорачиғидай сақланмоқда.

— Мактабимизда 30-40 йиллик меҳнат стажига эга бўлган тажрибали бошланғич синф ўқитувчилари фаоллик кўрсатиб келмоқдалар, — деб суҳбатларини давом эттирди Содир Абдуллаев, — улардан, айниқса, Саодатхон Маъруфжонова, Рафоатхон Аълонурова, Раҳнамохон Абдурашидова, Мавжуда Ҳошимоваларнинг номларини фахр билан тилга оламиз.

Оқилхон Шарафиддинов номидаги 129-мактаб ўқитувчилар жамоасининг Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг «Миллий маънавият ва адабий таълим», «Она тили таълими» бўлимлари билан ҳамкорликда олиб бораётган изланишлари ҳам диққатга сазовор.

Устоз Оқилхон Шарафиддиновнинг хизматлари нечоғлик юксак эканлиги назарда тутилиб, Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси томонидан янги ўқув йилидан эътиборан энг тажрибали бошланғич синф ўқитувчиларига Оқилхон Шарафиддинов номидаги кўкрак нишонининг таъсис этилиши ҳам устоз номини эъзозлашнинг ёрқин белгисидир.

Суннатулла РИЗАЕВ, педагог.

Halq ta'limi fidoyilari

«АЛИФБЕ» ЯРАТГАН МУАЛЛИМ

Оқилхон Шарофиддинов! Бу инсон бугун орамизда йўқ. Аммо унинг эзгу ишлари қолди...

1898 йилнинг 7 мартида Тошкент шаҳрида ҳунарманд оиласида дунёга келган Оқилхон Шарофиддинов аввало ўз падари бузрукворидан, сўнг маҳалла домласидан, кейинчалик Хўжа Аҳрор мадрасасида етарлича билим олгач, ўқитувчилар учун ташкил этилган курсга ҳам кириб ўқиди. Халқни саводли қилиш учун билимдон, маданиятли ва кенг дунёқарашли кишилар кераклигини ёш муаллим юракдан илғарди. Шу боис у Тошкент уезд маориф бўлими йўлланмаси билан Тўйтепа қишлоғидаги янги очилган мактабга жўнади. Мактаб биноси қишлоқ мингбошисининг ҳовлисига жойлашган бўлиб, ўқув мосламалари—парта, стол, стуллар фаоллар ёрдамида ясалди. Ёш муаллим ҳафтасига бир марта шаҳарга келиб, ўқувчилар учун китоб, дафтар, рангли қаламлар, бошқа ўқув қуроллари олиб кетар, билимга ташна шогирдларини шу билан қувонтирарди.

Жонкуяр муаллим 1924 йилгача қишлоқ мактабида фаолият кўрсатгач, пойтахтга қайтди ва Низомий номидаги педагогика институтининг кечки бўлимида ўқий бошлади. Айни пайтда Тошкентдаги 14-мактабнинг бошланғич синфларига дарс берди. Ўша йиллар ўқув қўлланмалари етишмасди. Айниқса, илк бор мактаб остонасига қадам қўйган бола учун «Алифбе» жуда зарур эди. Ана шу мушкулликни бартараф этиш мақсадида у «Меҳнат болалари», «Ўқиш китоби» каби дарслик ўрнини босувчи китоблар яратди. «Алифбе» яратишга эса у ўта жиддий иш деб қаради ва бу борада узоқ вақт изланди. Унинг бетиним ҳаракатлари эвазига 1938 йилда илк марта «Алифбе» ҳам дунёга келди. Бу китоб бутун Ўзбекистон мактабларининг бошланғич синфлари учун дарслик сифатида жорий қилинди.

Оқилхон Шарофиддиновнинг ташаббуси, саъй-ҳаракатлари, изланишларининг меваси ҳисобланган мазкур «Алифбе» кўп йиллар давомида қайта тузатишлар билан 29 марта нашр қилинди. Демак, у яратган дарслик маълум даражада бошқалари учун асос бўлиб хизмат қилди. «Алифбе» ўқитиш методикаси ҳам икки марта нашр этилди. Шунингдек, 1944 йилда биринчи синфлар учун мўлжалланган «Ўқиш китоби» ва «Чиройли ёзув» қўлланмалари ҳам муаллимларнинг мушкулини осон қилди. Ҳозирда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган замондошларимизнинг саводхонлигини оширишда ана шу қўлланмалар катта аҳамиятга эга бўлди.

Истеъдодли муаллимнинг бутун фаолияти ёш авлодга пухта билим беришга қаратилганди. У қаерда ва кимлар билан ишламасин, ўзининг куюнчаклиги, синчковлиги билан кишилар қалбидан жой оларди. 1936 йилда у «Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» унвони билан тақдирланди. Қутлуғ 70 ёшга тўлган кунида эса Меҳнат Қаҳрамони деган юксак мукофотга сазовор бўлди.

Кейинчалик нафақага чиққан Оқилхон Шарофиддинов Республика фахрий педагоглар кенгашини ташкил этишнинг жонкуярларидан бўлди. Маорифимиз даргаларидан бири марҳум Аъзамхон Рустамов билан у киши Санкт-Петербург, Москва, Киев шаҳарларидаги сингари педагоглар учун махсус бино бўлиши кераклиги учун қайғурарди.

1980 йилнинг 20 августи. Ҳукумат бошлиғи Шароф Рашидов номига йўлланган илтимосномага мувофиқ, республика фахрий пелагоглар кенгаши учун бино тиклашга киришилган кун. Ўзбекистон кўчасидаги қурилиш майдончасига Ш. Рашидов бошлиқ ҳукумат раҳбарлари, республика маориф вазири Анвар Кўчқоров ва бошқа расмий кишилар ташриф буюрдилар. Қурилишга оқ фотиҳа берилди. Ана шунда кўпчиликнинг таклифига биноан, Оқилхон Шарофиддинов бино пойдеворига илк ғиштни қўйди.

Ҳозир бу бинода республика таълим маркази жойлашган. Унинг биринчи қаватида фахрий педагоглар йиғиладиган, маслаҳатлашадиган, фикрлашадиган чоғроққина хона бор. «Ўқитувчилар уйи» деб аталадиган кўркам бинодаги музейда эса Оқилхон Шарофиддинов фаолияти билан боғлиқ хотираларни ўзида акс эттирган махсус стенд ҳам бор.

Ҳа, яхши инсонларнинг руҳи поклари абадийдир. Улар қолдирган мерос ҳеч қачон эскирмайди, яъни ҳар қачон ўз қадрига эга.

Мен кўп сонли маорифчилар номидан таклиф қиламан: Оқилхон Шарофиддиновнинг нуроний чеҳраси акс этган кўкрак нишони тайёрланиб, у ҳар йили ҳақиқий маориф фидойиларига берилса, пойтахтимиздаги метро бекатларидан бири унинг номи билан аталса, марҳумнинг руҳи шод бўлар эди.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ, фахрий педагог, Республикада хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Суратда: О. Шарофиддинов ўз замондошлари ва дўстлари даврасида.

Reyd

«ИМКОНИЯТ ҚИДИРИШИМИЗ ДАРКОР»

«Ишлашни истаган имкон топади, истамаган баҳона» дейишади. Хўш, маорифчиларимиз ўз таълим муассасаларини янги ўқув йилига ва кузги-қишки мавсумга тайёрлашда кўпроқ имкон топишаяптими ёки баҳона? Биз бу саволга ижобий маънода жавоб беришни истардик. Боиси, маорифчиларимизнинг деярли барчаси ҳам изланувчан, куюнчак кишилардир. Улар ўзлари ишлаб турган муассасани аввало кўз қорачиғидек асрашга, мабодо таъмирталаб бўлса бу ишни барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда, виждонан амалга оширишга ҳаракат қиладилар. Фақат уларга озгина эътибор, озгина ёрдам кўрсатилса, бас.

Халқ таълими вазирлиги қошида таълим муассасаларининг янги ўқув йилига ҳамда кузги-қишки мавсумга тайёргарлигини назорат қилиш бўйича тузилган штаб текшируви томонидан ўтказилаётган рейдлар давомида ҳам рейд аъзолари таълим тизимида меҳнат қилаётган кўплаб изланувчан, фидокор кишиларни учратдилар. Ўз навбатида уларга эътибор кўрсатилди, уларга ёрдам кўрсатишнинг кўпгина амалий чора-тадбирлари кўрилди.

Мазкур штаб раиси, халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов етакчилигида ўтказилаётган рейдлар Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида давом этди. Маълумки, ушбу институт Халқ таълими вазирлигига қарашли бўлган улкан илм даргоҳларидан бири саналади. Шунга яраша, муаммолари ҳам, ютуқлари ҳам улкан. Ўтган ўқув йили якунидан сўнг бу ерда амалга оширилган ишлардан кўз юмиб бўлмайди. Бироқ ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам талайгина учрашини таъкидлаб ўтмоқ лозим. «Ҳозир шароит енгил эмас, — деди штаб раиси, халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов институт ҳудудини кўздан кечира туриб. — Шунинг учун бор маблағдан тежаб-тергаб фойдаланишимиз, барча ички ва ташқи имкониятларимизни қидиришимиз, бошланган ишни жадал суратда тугаллашга ҳаракат қилмоғимиз даркор».

Республика ўқувчилар саройида кечган сўнгги рейдда барча рейд аъзолари ҳам бирдай мамнунлик ҳиссини туйдилар, десак хато бўлмас. Чунки, бу муҳташам бино ўз меъморий қурилиши билан ҳам диққатни тортади. Қолаверса, таъмирсиз сақланган, яъни таъмирга муҳтож бўлмаган, дид билан жиҳозлаб қўйилган хоналар саройда анчагина. Таъмирланаётган айрим жойларни эса сарой жамоаси тез орада тугаллаш арафасида.

Нима ҳам дердик. Ўйлаймизки, ўз масканлари таъмирини тугатган ва тугатмаган барча маорифчиларимиз ҳам вақтнинг ҳамиша ғанимат эканлигини чуқур тушунадилар ва шунга яраша ҳаракат қиладилар.

И. БЎРИБОЕВ.

Байрамлар арафасида ўқитувчилар анжумани

Tadbirlar

ЎТГАН ЙИЛ ТАҲЛИЛИ, ЯНГИ ЙИЛ ВАЗИФАЛАРИ

Деҳқон кузда ҳосилни йиғиб, ерини шудгорлаб баҳоргача дам олади. Муаллим ҳам деҳқонга ўхшайди. У ўқув йили охирида «ҳосил»ни йиғиб — ўқувчисидан имтиҳон олиб, меҳнати натижасини кўриб, таътилга чиқади. Эрта баҳорда эса деҳқон асбоб-анжомларини, техникасини мавсумга шайлайди. «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» мақолига амал қилади. Деҳқончиликнинг яхши бошланиши мана шу тайёргарликнинг даражасига боғлиқ бўлади. Муаллимларнинг янги мавсумга тайёргарлиги эса август ойи давомида амалга оширилади. Ҳар йил ўтказиладиган анъанавий Август кенгашлари бу тайёргарликнинг асосий қисмларидан биридир.

Наманган вилояти халқ таълими ходимларининг анъанавий август конференцияларида қатнашиб, юқорида тасвирланган манзарани ҳис қилдик.

Наманган шаҳри халқ таълими ходимларининг Август кенгашида ўтган ўқув йили таҳлилига ва унинг хулосаларидан келиб чиқадиган бугунги вазифаларга эътибор қаратилди. Кенгашда қатнашган Наманган вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг барчаси халқ учун эканлигини, уларнинг моҳиятини халққа тўғри тушунтириб бериш асосан муаллимлар зиммасида эканлигини таъкидлади. Халқ таълимида амалга оширилган ижобий ишлар ҳақида гапиргач, оқсаётган жиҳатларга ҳам эътиборни қаратди.

Шаҳар халқ таълими бўлими мудири ўз маърузасида 34 нафар битирувчиларни НамДУга шартнома асосида ўқишга киришларига ёрдам берган шаҳар ҳокимлигига миннатдорчилик билдирди.

Кенгаш ишида халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев қатнашиб, маорифга ҳукумат эътибори ҳақида ва бу эътиборга муносиб бўлиш учун маорифчилар олдида турган вазифалар тўғрисида маъруза қилди. Жумладан, у шундай деди: «Ҳукумат раҳбариятининг маорифга эътибори, муаммоларимиз ичига кириб бориши, уларни ҳал қилишда ёрдам беради... Наманган ўқувчилари фан олипиадаларида биринчи ўринни эгалладилар. Жаҳон олимпиадасида олтин медални қўлга киритдилар. Бунинг замирида наманганликларнинг ўзига хос одоби, ахлоқи бор. Буюк давлат қуриш учун буюк авлодларни тарбиялаш керак».

Нотиқ ўз сўзида сессия муҳокамасига қўйилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» моҳиятини, «Таълим тўғрисидаги»ги Қонунни янгилаш сабаблари, улар қабул қилингач, эса, халқ таълими ходимлари олдига қўйиладиган вазифаларни таҳлил қилиб берди.

***

Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев Наманган туман халқ таълими ходимларининг анъанавий Август анжуманида ҳам қатнашди ва сўзга чиқди. Бир гуруҳ 1-синф ўқувчиларига Президент совғаларини топширди.

Анжуман ишида вилоят ҳокимининг ўринбосари Дилшодахон Дадажонова иштирок этди.

Ҳ. ОМОНОВ.

ЭЪТИБОР УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

Вилоят ва туман халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашлари ўтиш арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раиси Ислом Каримов «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши, моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Кенгашларда учрашган барча халқ таълими ходимларининг саломлари ушбу қарор хушхабарини бир-бирларига етказиш билан бошланди, десак муболаға бўлмас. Хусусан Наманган туман халқ таълими ходимларининг август конференциясида Президент номига мурожаатнома қабул қилинди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

«Инсон манфаатлари йилида қўйилаётган ҳар бир қадам «Элим, юртим деб ёниб яшаётган» ҳар бир фуқарони, шунингдек, Наманган туман маорифчиларини бефарқ қолдирмайди ва улар Сиз бош қўшаётган улкан ишларни тўла маъқуллайдилар. Биз маориф ходимларига бўлган алоҳида муносабатингиздан миннатдордирмиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис сессияси кун тартибига «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳаларининг қўйилиши катта воқелик сифатида кенг муҳокама қилинмоқда.

Айниқса, сессия олдидан чиқарилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори юқоридаги фикримизни исботлабгина қолмай, туманимиздаги ёшу кекса маорифчиларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди.

Бундай ғамхўрликларга жавобан туманимиздаги барча маорифчилар келажаги буюк Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши, иқтисодий ва маънавий салоҳиятини дунёга кўз-кўз қила оладиган ёшларни тарбиялашга бутун билимимиз ва куч-қувватимизни сарфлаймиз».

ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Маориф масалалари Наманган вилояти ҳокимлигининг доимий диққат-эътиборида. Республика олимпиадаларига қатнашиб совринли ўринларни эгаллаган ўқувчилар, уларнинг ўқитувчиларига кўрсатилган илтифотлар ҳақида ёзганмиз.

Яқинда вилоят ҳокимлигида яна бир тадбир ўтказилди. Унда Наманган шаҳар 31-гимназия мактабининг 1-«А» синфи ўқувчиларига вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов папка, дарслик, дафтар, қалам, ўчирғич ва ҳоказо шу каби ўқув қуроллари мажмуаси — Президент совғаларини топширди.

ЯНГИ МАКТАБЛАР МУБОРАК!



Август кенгашлари ва табиийки, Мустақиллик байрами арафасида Наманган шаҳридаги эски, бир қаватли 11-мактаб биноси ўрнига уч қаватли 990 ўринли замонавий мактаб фойдаланишга топширилди. Уни шаҳардаги 5-қурилиш-монтаж бошқармаси (бошлиғи Жамолхон Мамажонов) 6 ой муддатда қуриб битирди.

Очилиш маросимида қатнашган халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев мактаб жамоасига ушбу бинони, жиҳозларни, вазирлик томонидан совға қилинган IBM компьютер марказини кўз қорачиғидек асрашларини таъкидлаб, жамоанинг келгуси ишларига ривож тилади.

Янги бино калитини мактаб директори Исломжон Эгамбердиев қабул қилиб олар экан, вилоят ҳокимлигига, қурувчиларга, Халқ таълими вазирлигига ташаккур билдирди.

Тадбирда вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов қатнашди.

***

Шунингдек, шаҳарда янги қурилган 62-мактабда ҳам худди шундай тадбир бўлиб ўтди. Бу мактабга ҳам халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев компьютер мажмуини топширди. Шаҳардаги 64-мактабнинг очилиши ҳам унутилмас воқеа бўлди.

Суратда кўриб турганингиз — Норин туманидаги янги ишга туширилган, 624 ўринга мўлжалланган 10-мактабнинг ташқи кўринишидир.

ЎҚУВЧИ ЛИБОСИ

Ўқувчиларнинг мактабда киядиган либосларининг тарбиявий аҳамияти катта. Бу масалага ҳукумат даражасида қараляпти. Наманган вилоятида ўқувчиларни 1 сентябрдан мактаб либосига ўтказиш учун катта ишлар амалга оширилди.

Аввало, ўтган ўқув йили охирида барча мактабларда ота-оналар йиғинлари ўтказилиб, бу борада бир келишувга эришилди. Қатор касб-ҳунар мактабларига ёки мактабларнинг меҳнат муаллимларига буюртма берилди. Биз шундай буюртмаларни олган Наманган шаҳридаги 7-касб-ҳунар мактабига ташриф буюрдик. У ерда ҳунар таълими тизими ўқув муассасаларида енгил ва маҳаллий саноат, маиший хизмат ва миллий ҳунармандчилигига оид касблар бўйича август шўъба йиғилиши қатнашчилари учун кўргазма уюштирилган экан. Мактаб директори Собиржон Турсуновнинг таъкидлашича, тикувчи уста ва талабалар шаҳардаги 17, 37, 27-мактаблар берган буюртма бўйича ишлашмоқда. Ўғил болалар учун тикилган шим, қўйлак 500 сўмга, қиз болалар учун тикилган кофта-юбка ҳам шу нархга тўғри келар экан. Касб-ҳунар мактабининг ўз тикувчилик цехлари бор. Бунда ўқувчилар ҳам тикувчилик сирларини ўрганишмоқда ҳамда мактабга фойда келтиришмоқда. Мактаб ҳар йили 26 - меҳрибонлик уйига 5500 сўмлик шим тикиб берар экан.

Топилган қўшимча маблағлар эвазига даргоҳ раҳбари жорий таъмирлаш ишларини тугатибди. Мустақиллик байрами арафасида ҳар бир тарбиячига 2 минг сўм атрофида мукофот пули берилибди.

Бундай ишларни Наманган туманидаги 13-касб-ҳунар мактабида ҳам кўрдик. У ердаги қилинган ишлар ҳақида алоҳида тўхталамиз.

Наманган вилояти мактаблари ўқувчилари 1 сентябрдан тўлиқ мактаб либосига ўтиш ниятидадирлар. Вилоят ҳокими ўринбосари Дилшодахон Дадажонованинг айтишларича, 1 октябрь — таълим ходимлари байрамигача ўқитувчилар учун ҳам чиройли ва хушбичим мактаб либослари тайёрланар экан.

МУХБИРИМИЗ.

ТАЪЛИМДАГИ ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАСИ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 6 йиллигини нишонламоқда. Мустақиллик йилларининг энг асосий ютуқларидан бири бошқа соҳалар қатори халқ таълимини ривожлантириш билан боғлиқ чуқур ислоҳларнинг амалга оширилаётганидир.

Ҳисобот ўқув йилида вилоятимиздаги 653 та умумий таълим мактабларида, касб-ҳунар таълими ўқув юртларида 16545 нафар ўқувчига, 861 та боғчада 71210 нафар тарбияланувчига таълим-тарбия берилди. Уларга 6316 нафар ўқитувчи ва тарбиячи устозлик қилди. Вилоятда 84 та мактабдан ташқари муассаса фаолият кўрсатиб, уларга 57056 нафар ўқувчи қатнади.

Маориф ислоҳотининг асосий гарови бўлган тармоқларни қуриш, моддий ўқув шароит яхшиланди . Ўқув йили давомида бир қанча янги мактаб бинолари ишга туширилди. Янги ўқув йилига тайёргарлик муносабати билан туман (шаҳар) ҳокимлари қарори билан оталиқ ташкилотлари ҳисобидан 53.1 млн сўм, мактаб жамоалари, ота-оналар ва ҳомийлар маблағи ҳисобидан 40.2 млн. сўмлик таъмирлаш ишлари бажарилди. Моддий базани яхшилаш мақсадида фақат давлат маблағи ҳисобига 35.5 млн сўмлик турли қаттиқ, юмшоқ буюмлар, ўқув ва техника жиҳозлари етказиб берилди. Қишлоқ инфраструктурасини ривожлантириш йўналишлари бўйича муассасаларни табиий газ, ичимлик суви, электр қуввати, телефон, тиббий дори-дармонлар билан таъминлашга ҳам эътибор берилди. Ўтган ўқув йилида вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ғамхўрлиги билан турли спорт иншоотлари, футбол майдончалари сони қарийб 2 баробар кўпайди. Спорт иншоотлари сони 2755 тага, футбол майдончалари 520 тага етказилди.

Янги ўқув йили 1-синф учун рўйхатга олинган 6 ёшли 13330 нафар, 7 ёшли 49270 нафар бола мактабда, боғчада, оилада, маҳаллаларда шартнома асосида мактабга тайёрланди.

Бироқ айрим боғчаларда таълим-тарбия ишлари, овқатлантиришда камчиликлар бор. Бир қатор туман ва шаҳарларда мактабга тайёрлаш сифати паст.

Бошланғич синфларимизда ҳам кадрларга, таълимга замонавий усулларни қўллашга, дарсда техника воситаларидан унумли фойдаланишга эътибор берилгани туфайли саводхонлик даражаси кўтарилмоқда. 52 та бошланғич синфда чет тили, барчасида иқтисодий сабоқ асослари ўргатилмоқда. Наманган, Учқўрғон шаҳар, Давлатобод, Наманган, Норин туманларида бошланғич синфларни ўқитишда илғор тажрибалар тўпланган. Айрим фанларни ўқитишда таълимни энг янги турлари ва услублари қўлланилмоқда. Ҳозир вилоятда 15 та лицей, 6 та гимназия фаолият кўрсатмоқда. 1162 та чуқурлаштирилган синфларда 29873 нафар ўқувчи таълим олмоқда, чет тиллари, иқтисодий билимлар, давлат ва ҳуқуқ асослари, информатика фани чуқур ўқитилмоқда. Бунинг учун турли маркадаги 345 та комплект компьютер синфи, 122 та якка ҳисоблаш аппаратларига эгамиз.

Ўқувчилар билимини баҳолашда тест усули тўла, кўп балли рейтинг усули эса илғор мактабларда кенг қўлланилмоқда. Битирувчи ўқувчиларни тестга ўргатиш мақсадида ДТМнинг «Ахборотнома»лари олиб келиниб, қисқа пуллик курслар, репетиторлар, тажрибали ўқувчилардан фойдаландик. Махсус «тест ойнаси» расмли кўргазмаси асосида мактабларда тушунтиришлар олиб борилди. ДТМнинг энг яхши тест саволлар учун ўтказилган кўрик танловида голиб чиққан 23 нафар кишининг 9 таси вилоятимиз вакилларидир.

Ўқитувчи, раҳбарларнинг иқтисодий, сиёсий, педагогик, психологик билимлари, дунёқарашлари ва касбий маҳоратларини аниқлаш мақсадида тўла тестдан ўтказилди. Бунда Учқўрғон, Чуст, Норин туманлари, Чортоқ, Косонсой, Учқўрғон шаҳарлари юқори кўрсаткичларга эришди.

Вилоят педагогик ходимлар малакасини ошириш институти, услубиёт хоналари методбирлашмалар орқали услубий ишларни яхшилашга ҳаракат қилинди. Жойларга мингдан ортиқ қўлланмалар, дарс ишланмалари, кўрсатмалар етказиб берилди. Минглаб ўқитувчи, тарбиячиларнинг ишлари китоб, плакат, оммавий ахборот воситалари, деворий кўргазмалар, очиқ мулоқотлар орқали оммалаштирилди. 51 марта республика ва вилоят семинарлари ўтказилди. 5399 нафар киши малака оширишди, 2197 нафари янги алифбо бўйича қайта тайёрловдан ўтказилди. Янги ўқув йилида 1-3- синфларда давлат дастури бошқа синфларда фақультатив машғулотлар янги ўзбек алифбосида ўрганилади. Кадрларнинг сифат таркиби яхшилаб борилди. Кадрлар таъминоти Наманган шаҳри, Поп, Мингбулоқ туманларидан ташқари барча халқ таълими бўлимларида анча яхшиланди.

Лекин юқоридаги кўрсаткичларда ҳам бир қатор камчиликларимиз бор. Иқтисод ва ҳуқуқшунослик фанлари, чет тили, кимё кабилар учун мутахассислар етишмайди. Айрим туманларда илғор тажрибаларни оммалаштириш, малака оширишга етарли эътибор берилмаяпти. Ўқувчиларни чет тилларга ўқитиш ва компьютер саводхонлиги юқори даражага кўтарилмаган, баъзи мактабларда тест билан ишлаш етарли бўлмаганлиги сабабли биронта ўқувчи ҳам олий мактабларга кира олмаётир.

Раҳбарлар ва педагоглар ўртасида ўтказилган тест синовларида Уйчи, Чортоқ, Тўрақўрғон туманлари, Чуст, Ҳаққулобод шаҳарлари паст кўрсаткичларга эришди.

Ўқувчилар саводхонлигини кўтариш, яхши тайёргарлик кўриш, тўғри баҳолаш кабилар туфайли фан олимпиадаларида ютуқларимиз салмоқли бўлди, 10 нафар ўқувчимиз республика фан олимпиадаларида ғолиб чиқиб, 7 нафар ўқувчимиз жаҳон фан олимпиадаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Фан олимпиадаларида Наманган ўзбек-турк лицейи, Учқўрғон ва Наманган туман лицейи, Учқўрғон, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Косонсой туманларининг мактаб ўқувчилари фаол иштирок этдилар. Наманган туманида доимий олимпиада ўтказиш йўлга қўйилди. Аммо фан олимпиадаларининг ҳамиятига эътибор бермаган Мингбулоқ туман ва Ҳаққулобод шаҳрида биронта ҳам ўқувчи республика фан олимпиадасида иштирок этмади.

Ҳисобот даврида ўқувчиларга меҳнат таълими бериш, касб-ҳунар ўргатиш, касбга йўналтириш ишларига ҳам алоҳида эътибор берилди. Вилоят мактаблари, ёшларга касб бериш марказлари, касб-ҳунар таълими ўқув юртларида ўқувчиларга 97 касб тури, шу жумладан, 21 та миллий ҳунармандчилик касблари, техника, иқтисодиёт, бизнес, менежер кабилар ўргатилмоқда. Косонсой, Чортоқ, Наманган шаҳар ҳамда Чортоқ, Норин, Янгиқўрғон туманларидаги кўпчилик мактабларда, Наманган, Чортоқ, Уйчи туман бизнес мактаблари, Косонсой, Поп, Чуст, 2, 10, 14-касб-ҳунар таълими ўқув юртларида малакали касб эгалари тайёрлаш, касбга йўналтириш яхши йўлга қўйилган. Касб-ҳунар мактабларидаги хизмат шохобчалари сони ўтган йилга нисбатан 2,5 баробар кўпайиб, 73 тага етди.

Мактабнинг бош вазифаси ўз битирувчиларини ўқишга, ишга жойлашишга кўмак бериш бўлиб, 1995—96 ўқув йилида IX синфларни 36191, XI синфларни 17043 нафар ўқувчилар битирган. Булардан 13437 нафари ишга, 10920 нафари турли ўқишларга жойлашди, 19589 нафари эса X синфларга тортилди. Бироқ, 440 нафар IX синфларни тамомлаган битирувчилар ташқарида қолиб кетган эдилар. 1996—97 ўқув йилида IX синфни тамомлаб, касб-ҳунар мактаблари, ўрта махсус ўқув юртларига кирмаганлардан ташқари барчаси бу йил тўла X синфга тортиладилар.

Вилоят ҳокимлиги ёрдами билан қисқа вақт ичида вилоят футбол-лицей интернати ташкил қилинди. Туман ҳокимлари қарори билан 51 та мактабга спорт майдони, 106 тасига футбол майдони учун ер ажратилди. 81 та футбол майдони тўла жиҳозланди. Утган ўқув йилида 55 та футболни чуқурлаштириб ўргатувчи синфлар очилди.

Республикамизда ҳуқуқий давлат қурилмоқда. Аҳоли осойишталигини сақлаш мақсадида жиноятчилик, ҳуқуқий қонунбузарликка қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Аммо, ёшлар ўртасида жиноятчиликни, ҳуқуқий тартиббузарликнинг мавжудлиги жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Ўқувчилар ўртасида ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари тадбирлари асосида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигида ҳуқуқий мавзуда суҳбатлар, учрашувлар, савол-жавоб кечалари мунтазам ўтказиб борилмоқда. Натижада жиноятчилик ҳолатлари Косонсой шаҳри, Косонсой, Янгиқўрғон ва Норин туманларида 1996 йилнинг 6 ойига нисбатан камайди.

Таълим тизимимизга қарашли барча муассасаларда «Маънавият ва маърифат» хоналари, заллари ва бурчаклари ташкил этилди. Ҳафтанинг бир куни «Маънавият ва маърифат куни» деб эълон қилинди. Ҳар ойнинг биринчи чоршанбасида «Маънавият соатлари» ўтилмоқда. Биринчи синфлардан тортиб 34 соатли режа асосида «Маънавият дарслари» ўтказилаётир.

Халқ таълими ходимларининг меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Ҳозирги кунда муассасаларимизда ҳукуматимизнинг орден ва медаллари билан мукофотланган 60 нафар, 1 нафар «Халқ ўқитувчиси», 21 нафар «Хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 12 нафар «Хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 1113 нафар «Халқ таълими аълочиси» меҳнат қилмоқда.

Халқ таълимини жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиш, республикамиз учун кадрлар тайёрлаш бўйича мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқлар, тажрибаларни умумлаштириб, камчиликларни тузатиш юзасидан мукаммаллаштирилган «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур», «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари тасдиқлангандан сўнг уларда белгиланган вазифаларни бажариш, ўтган ўқув йилида амалга ошира олмаган ишларни ниҳоясига етказиш асосий ишимиз бўлади.

«Миллий дастур» лойиҳасини амалга оширишнинг дастлабки ўтиш босқичи (1997—2000 йиллар)да кейинги босқичлар учун замин тайёрлашимиз, миллий ўқув базаси, кадрлар таъминоти масалаларини ҳал этиш лозим.

Инсон манфаатлари йили бўлган 1997 йилда ўқувчи ва ўқитувчиларнинг Президент фармонларида белгиланган барча имтиёзлардан тўла фойдаланишига эришиш ҳам асосий вазифалардан биридир. 1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни. Бу байрамни юқори савияда катта тайёргарлик билан нишонлаш керак. Янги ўқув йилига мактаб синфоналарини юксак дид ва таълим-тарбияга мос келадиган даражада тайёрлаш, ўқувчиларни дарслик, қўлланмалар ва бошқа ўқув қуроллари билан таъминлаган ҳолда ўқишни бошлаш бош вазифамиздир.

Ҳабибулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Наманган вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармасининг бошлиғи.

ФИДОЙИЛИККА БОҒЛИҚ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ

Рустам ИСМАТУЛЛАЕВ ,
Наманган тумани ҳокими.

Ишонч йўқ жойда — шижоат, ғайрат бўлмайди. Донишманд боболаримиздан бири «Маърифат — бу шижоатдир» деб бежиз айтмаган. Ўйлайманки, Наманган туман халқ таълими ходимлари эртанги кун бошланадиган янги 1997-98 ўқув йилида янада шижоаткорлик билан меҳнат қиладилар.

Туманимиз халқ таълимида 1996-97 ўқув йилида амалга оширилган ишларнинг ҳисоботи барча таълим муассасаларида атрофлича муҳокама этилди. Муҳокамада 1983 нафар ўқитувчи, 260 нафар тарбиячи томонидан таълимни ривожлантириш бўйича 63 та таклиф ва мулоҳаза билдирилди. Бу таклиф ва мулоҳазалар туман халқ таълими бўлимининг янги ўқув йили иш дастурига киритилади.

1996-97 ўқув йили якунларида туман халқ таълими бўлими вилоят миқёсида III ўринни эгаллади. Бу ютуқ, албатта, ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Биз, аввало, таълим муассасалари раҳбарларининг иш фаолиятини чуқур таҳлил қилдик. Уз устида ишламайдиган жамоани эргаштира олмайдиган раҳбарлардан воз кечдик.

Раҳбар кадрлар билими савиясини тест орқали синашга вилоят ҳокимлиги халқ таълими бошқармаси, туман ҳокимлиги томонидан эътибор кучайтирилди. Шу мақсадда 1997 йил февраль ойида 41 та мактаб директорлари, маънавий ва тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, илмий бўлим мудирлари, мактабгача тарбия муассасалари мудиралари компьютер ёрдамида синовдан ўтди. Синов якунлари атрофлича таҳлил этилди. Тегишли раҳбарларга бошқарув маҳоратидаги камчиликлари кўрсатиб ўтилди.

Туман халқ таълими муассасаларида амалга оширилган ислоҳотларимиздан яна бири — таълим муассасаларини ички имконият орқали ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтиш бўлди. Бу ўринда туман ҳокимлиги амалий ёрдамини аягани йўқ. Тумандаги 2, 3, 7, 8, 13, 17, 18, 22, 23, 25, 29, 36-мактабларда мавжуд ички имкониятларда оқилона фойдаланилди. 13, 18-мактаб директорлари Ўғилхон Абдуллаева, Солихон Болтабоевларнинг мактаб ички имкониятларидан фойдаланиш бўйича ишлари вилоят миқёсида шу йилнинг июнь ойида оммалаштирилди.

Ислоҳотимизнинг учинчи йўналиши педагоглар меҳнатини қадрлаш, уларнинг турмуш ва меҳнат шароитларини вужудга келтиришдан иборат бўлди. Меҳнат қилган шахснинг одилона рағбатлантирилишига эътибор қучайтирилди. Таққослаш учун шуни айтмоқчиманки, кейинги 2 йил ичида аввалги 5 йилга қараганда ижодкор, ташаббускор педагогик ходимлардан 14 нафари «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси» нишони билан, 22-мактаб ўқитувчиси Ҳбида Абдуллаева, 13-мактаб директори Ўғилхон Абдуллаевалар «Соғлом авлод учун» ордени билан, 34-мактаб математика ўқитувчиси Олимжон Сиддиқов «Шуҳрат» медали билан тақдирландилар.

Мактабнинг бош мақсади — таълим. Ҳозирги кунда республикамиз таълим тизими умумжаҳон билим андозаларига мос ҳолда шаклланаяпти ва такомиллашаяпти. Олдимизда қўйидаги йўналишларда таълимни ислоҳ қилиш вазифалари турибди.

Биринчиси, умуминсоний қадриятлар ва миллий маданият асосларини эътиборга олган ҳолда таълим-тарбия мазмунини миллий мафкура, мустақил Ватан туйғуси асосида ўзгартириш. Бу соҳада асосий дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 6 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони бўлди. Тумандаги 41 та мактаб, 22 та мактабгача, 4 та мактабдан ташқари таълим муассасаларида жамоатчилик марказлари ва хоналари ташкил этилди. Бу соҳадаги ишимиз вилоят миқёсида ўрганилди.

Тумандаги 3, 7, 8, 13, 22-мактабларда маънавият ва маърифат хоналари фаолияти туман халқ таълими бошқармасининг кенгаши орқали оммалаштирилди. Бу масалага жиддий ёндошишга шу нарса туртки бўлдики, туманимиз ўқувчилари 1997 йилда вилоят олимпиадасида 7-ўринни эгаллади. Бу ўрин бизни қониқтирмайди, албатта. Чунки, имкониятларимиз чексиз. Бу билимдонлик ва истеъдодларни қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришга жиддий эътибор берилмаганидан далолатдир. Шу ўринда туман халқ таълими бўлими мутахассис ва методистларининг камчилиги борлигини таъкидламоқчиман. Асосий камчилик иқтидорли ўқувчини танлашга масъулият билан ёндошмастганликларидан иборат.

Шу боис туманда ўн биринчи синф ўқувчиларидан 2452 нафари чуқурлаштирилган тест синовлари орқали имтиҳондан ўтказилди. 7 май куни эса юқори балл олган 152 нафар ўқувчи қайта синов топширишди. Бу ўқувчиларга алоҳида рўйхат асосида ёз давомида қўшимча топшириқлар берилди.

Шу йилнинг октябрь ва ноябрь ойларида қайта учинчи бор синовдан ўтказамиз. Мақсадимиз туман миқёсида «Олтин мерос», «Умид» жамғармаси орқали чет элга юборилаётган ўқувчилар ўртасида ўз болаларимиз бўлишини таъминлаш.

Туман ҳокимлигининг халқ таълими соҳасида 1997-98 ўқув йилида амалга оширадиган асосий йўналишлари, фикримча, қуйидагилардан иборат бўлиши керак.

— Таълим муассасаларида ижодкор, ташаббускор, изланувчан, адолатли, юксак маънавиятга эга бўлган кадрларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш ишларини олиб бориш. Бунда бошқарувда ўзаро ҳамкорликка, талабчанлиққа эътибор қаратилади.

— Йиллик иш натижаларини чуқур таҳлил этиш, бошқарувга ҳалал берувчи сабабларини аниқлаб, чоралар кўриб борилади.

— Бошқаришни демократик асосда олиб бориш, адолатли иш юритиш иш фаолиятига тўғри баҳо беришни ўзининг иш тамойилига айлантиради.

— Бошқарувнинг илғор усуллари бўйича синов-тажриба майдонларини ташкил қиладиган, педагогик меҳнатни илмий асосда ташкил этиш кундалик иш фаолиятига айланиб боради.

Туманимиз халқ таълими ходимлари ёш авлодни замонамизнинг муносиб кишилари қилиб вояга етказишдек масъулиятли вазифа топширилганини яхши ҳис қиладилар, деб ўйлайман.

Таълимнинг қанчалик сифатли, самарали бўлиши, шубҳасиз, халқ таълими ходимларининг ҳаракати, фидойилигига боғлиқ бўлиб қолаверади. Энг муҳими, биз таълим-тарбияда ўз истиқболимизни аниқ белгилаб олдик. Давлатимиз бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилиш сиёсати бундан буён ҳам маорифчиларимиз учун асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилаверади.

Sport maydonchasi

ЎЗ ДАРВОЗАСИГА...

Футбол тарихида автоголлар билан боғлиқ қизиқарли воқеалар мавжуд. 1948 йили И. Кочетков ЦДКА — «Динамо» (Москва) учрашувида ўз дарвозасини нишонга олиб қўйди. Аммо армиячилар бу кўнгилсизликни енгишиб, учрашувда вазиятни тенглаштиришган ҳамда мамлакат чемпионлиги унвонини сақлаб қолишган.

ЭКСЧЕМПИОН УЙЛАНМОҚЧИ

Ралли бўйича жаҳоннинг экс-чемпиони, «Субору» командаси пешқадами Колин Макрей кўз остига олган Элисон Гамилтон исмли ниҳоятда гўзал қизга уйланмоқчи бўлиб юрибди. Насиб этса уларнинг никоҳ тўйлари яқин кунлар ичида бўлиб ўтса керак.

МУРАББИЙ ЛАВОЗИМИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Германия чемпионати бундеслигаси тугашига бор-йўғи икки тур қолганида «Гамбург» бош мураббийси Феликс Магат лавозимидан четлатилди. Клуб президенти Уве Зелернинг бундай қатъий қарорга келишига жамоа жадвалнинг энг сўнгги — 15-ўринда бораётганлиги сабаб бўлди.

РАҚИБЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА

Финляндиянинг Лахти шаҳрида Олимпиада дастурига киритилмаган спорт турлари бўйича жаҳон ўйинларида юртдошларимиз ҳам фаол иштирок этишди. Тошкентлик Елена Савельева батутда сакрашда олтин медални қўлга киритди.

МЕЗБОНЛАР ҒОЛИБ

Ўтган ҳафта Наманган шаҳрида вилоят маъмурий органларининг I спартакидаси бўлиб ўтди. Мусобақада асосан жамоалар спортнинг сузиш, мерганлик, волейбол, шахмат турлари бўйича ўзаро баҳслашдилар. Беллашувда вилоят хавфсизлик хизмати ходимлари шарафли биринчи ўринни эгалладилар.

Bilasizmi?

ҚАДИМИЙ ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

Буюк олим Муҳаммад Хоразмий айтганидек, инсонлар ўз кундалик турмуш уринишларида, ишларида, ер ўлчаш, ариқ қазиш ва ҳисоблашларга доир ишларда узунлик, кенглик, баландлик, чуқурлик, ҳажм каби геометрик ўлчовларни жуда оддий усулларда белгилашга мажбур бўлганлар. Бунда киши танаси — бўйи: бел, кўкрак, бўйин, оёғи: товон, тўпиқ, тизза, қадам, қўли: тирсак, қулоч, ҳовуч, қарич, умуман бармоқлар ва бошқа аъзолари дастлабки ўлчов воситалари сифатида кенг қўлланилган.

Бошқа тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам қадим замонлардан бери авлоддан-авлодга ўтиб келган ўлчовларга (аниқроғи, узунлик ўлчовларига) доир кўпгина сўзлар борки, биз қуйида улардан энг муҳимлари устида тўхталиб ўтамиз.

ҚУЛОЧ. Хўш, қулоч сўзи аслида қандай маънони англатади? XI асрда ўтган буюк тилшунос олим Маҳмуд Қошғарий туркий тилларга оид бўлган қулоч сўзини «асли қўл оч (қўлингни оч), қулочни ёз» маъносида талқин қилади. Қулоч сўзи тожик тилига «қулоч» шаклида, афғон тилига эса «гулач» тарзида ўтган бўлиб, у тахминан 165-175 сантиметрга тенг.

АРШИН сўзи форс тилидаги «араш», «орон» сўзларидан келиб чиққан бўлиб, тирсак (билак) маъносини билдиради. Бу сўз XVI асрда туркий тиллардан рус тилига ўтган.

Аршин турли шаклларда украин, белорус, поляк, чех, словак тилларида ҳам учрайди.

ГАЗ. «Эни олти, бўйи (чуқурлиги) беш газдан ўн беш газгача қазиладиган ариқнинг узунлиги ўттиз чақирим... эди» (А. Қодирий). Бу мисолда газ сўзини ёзувчи тахминан 88 сантиметрга баравар узунлик ўлчови сифатида ишлатган. Кўкрак ўртасидан бармоқ учигача бўлган оралиқ бир газ ҳисобланган.

ТОШ. Бир тош 7-8 километр узунликдаги масофани билдиради. Худди шу ўлчов **фарсанг** тарзида (санг — тош дегани) эрадан аввалги олтинчи асрда араб, форс ҳамда Миср ўлчов тизимларида мавжуд бўлган.

Илгари Туркистонда бир фарсанг 8 чақиримга ёки 12 минг қадамга баробар бўлган («чақирим» туркий сўз бўлиб, 1006 метрга тенг).

ТАНОБ. Бу сўз ер сатҳи ўлчовидан ташқари узунлик ўлчовини ҳам билдирган. Бундай бўлиши табиий, чунки араб, форс тилларидаги «таноб» сўзининг замирида «арқон» маъноси ётади.

ҚАДОҚ. Оғирлик ўлчови бўлиб, 400 граммга тенг. Қадоқ сўзи қадимги ёғоч тарзидаги мих (чўп) билан қўйилган белгига алоқадордир.

Йиллар ўтиши билан янги, қулай ўлчов бирликларини кашф этишга ҳаётнинг ўзи кишиларни мажбур қилди. Ниҳоят 1795 йили Францияда энг қулай халқаро ўлчов бирлиги — **метр** тизими ишлаб чиқилди.

А. АЛИЕВ тайёрлади.

Суратда: ўтмиш санъатимизнинг улкан арбоблари (1923 йил).

«Sharq taronalari» xalqaro musiqa festivaliga

БУХОРО БУЛБУЛИНИНГ ДОВРУҒИ

Марказий Осиёда шундай қадимий шаҳарлар борки, уларсиз жаҳон маданияти тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Мана шундайлардан бири — Бухорои Шарифдир, унинг 2500 йиллик тўйини жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги кенг нишонлайди. Ипак йўлига азалдан пайванд бўлиб келган бу мавлуду маскан нечанеча асрлар оша дунёга юксак маънавият, беназир маданият ошёни сифатида довруғ таратиб келади. Бухорода не-не буюк алломалар, шуҳрати ер юзига ёйилган муҳандислар, атоқли диний маданият намояндалари, ўткир қалам соҳиблари, тасвирий ва мусиқий санъатнинг улкан арбоблари яшаб, самарали ижод қилганлар, бугунги ва эртанги авлодларга дурдона асар намуналарини маданий мерос қилиб қолдирганлар. Мана шундай валинеъмат зотлардан, ажойиб санъат соҳибларидан бири — машҳур халқ ҳофизи, ўқ илдизи қадимларга қараб кетган мусиқий ва ижрочилик маданиятимизнинг ҳақиқий хазинабонларидан бири Домла Ҳалим Ибодовдир. Эндиликда у киши орамизда бўлганларида муборак 120 ёшни чамалаб қолган бўларди...

ДОИРАНИНГ ГАРДИШИ БИЛАН...

Кўҳна Бухоро... Бундан қарийб бир юзу йигирма йил аввал «қуввати ислом дини билан» дея таъриф топиб келган бу азим шаҳарда ғалати воқеа юз берди — Ибодулло тўқувчи оиласида катта хурсандчилик — унинг хотини ўғил туғиб берди. Бу севинчдан хабар топган қўни-қўшнилару узоқ-яқин қавм-қариндошлар ота билан онани муборакбод этмоқ учун бу ерга ташриф буюрдилар. Мурғакнинг йиғиси ҳаммани ажаблантирди — чақалоқнинг чириллаган овози хона тоқисини кўтариб юборай дерди. Шу пайт яқиндаги маҳалла масжиди сўфисининг азон айтган овози ҳам эшитилди. Одамлар нималар демайди дейсиз... Бу ерда турган оқсоқоллардан бири «овозини жарангдорлигини кўринг-а, болакай катта бўлса, Худойшукур сўфи сингари овозини азон этганда етти маҳалла эшитадиган бўладими дейман-а» деди... Хонадонда ҳозир бўлган завқ-шавқли «дастурхончи» хола эса — «ҳай-ҳай-ҳай, овозининг тиниқ чириллашини қаранг-а, Убайдулло андалиб сифат машҳур ҳофиз бўлади шекилли» деб кулиб қўйди... Эҳ-ҳа, бу ажиб дунё, ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз ўзи...

Домлани чақириб келдилар, у мурғак қулоғига азон айтиб, ота-она розилигида болакайга «Ҳалимжон» дея исм ҳам қўйиб берди. Ибодулло ўз шаҳрида нафақат моҳир тўқувчи сифатида эл оғзига тушганди, балки ўта завқ-шавқли, санъат ва санъаткорларни дил-диддан севадиган киши эди, унинг падарибузруквори эса танбурни ҳам келиштириб чертар экан... Бола ўсиб бораркан, ота ўз ўғилчасини елкасига миндириб олиб, қизиқчилар томоша кўрсатадиган майдонларга, хонанда, созандалар беллашиб, «улоқ» тортадиган нафосат масканларига кетаверади...

Наврўз Бухорода азалиобод кенг доирада байрам этиб келинарди ва бу чоғда «бозори-шаб» айниқса ўзгача чирой тортарди... Ибодулло ўз ўғилчасини одатдагидай елкасига миндириб олиб, «бозори-шаб»га равона бўлди ва у ерда «жажжижажжи» чилдирмачалар ясаб сотаётган лўли йигитга дуч келди. Чилдирмасоз шўхликлар қилиб, чилдирмачаларни гоҳ осмонга отар, чириллаб айланиб тушиб келаётган дапчаларни усталик, чаққонлик билан илиб олар, ашула билан чор-атрофга жар солиб, одамларни ўз ёнига чорларди:

Одамлару одамлар!
Эшитмадим демангдар.
Ясадик бир чилдирма
Ҳалқаси юз йигирма.
Таранг тортилган чарми,
Балиқникидир ярми...
Кўринг қўлда туришин,
Гўё фалак юришин.
Чалинг, фақат синдирманг,
Қизитингу куйдирманг.
Олиб беринг болага,
Шунга — кўзи олага...
Келиб қолинг!
Олиб қоли-и-инг!

Бу манзарани кўрган Ҳалимжон бутунлай маҳлиё бўлиб қолди ва «олиб беринг, олиб бера қолинг» деб, отасини мот қилиб, туриб олди. Ибодулло норасиданинг ҳавасу ниятини пайқади ва чилдирмачадан биттасини ўғилчасига сотиб олиб берди. Шундай қилиб, чилдирма Ҳалимнинг бир умрга дўсту ҳамроҳи, ҳамнафасу дилрози бўлиб қолди. Ҳа, фалакнинг гардиши билан эмас, сеҳрли садолар берадиган доира гардиши билан, қалбларни симобдек эритадиган, дилларни ўзига ром этадиган булбулдек овози билан оламни кезди... Ҳалим Ибодов жуда эрта доира чертиб, халқ қўшиқларини ижро эта бошлаганди. Унинг ёқимли овозини тинглаган ва ҳузур қилган кишилар, унга таниқли созанда ва хонанда уста Шарофга шогирдликка тушишни тавсия қилдилар. Бу санъаткор халқ мусиқий меросини яхши биладиган, ўзи ҳам хониш маданиятининг асрлар оша силсила тортиб келаётган мактабларидан дурустгина воқиф, «авжи Шароф» дея аталган авж пардасида шуҳрат эгарига минган, беназир ижодкор эди. Кейинчалик «фалак тоқини ёрган» каби нисбатдаги авж пардаларни дадил ва бемалол олишни Ҳалим Ибодов мана шу устоздан мерос қилиб олади.

Уста Шароф Ҳалимжонга мусиқа санъатининг нозик сир-асрорларини ўргата борди, шарқий тароналарни, ўзбек хониш санъатининг, ижрочилик маҳоратининг энг яхши анъаналарини, юксак пиллапояларини мукаммал билгувчи хонанда ва созандалар, шунингдек, машҳур санъаткорлардан Ота Ғиёс ва Ота Жалоллар билан яқиндан танишишга кўмаклашди. Бу муҳтарам устозлар индаллоси қадим-қадимларга қараб кетган Бухоро ижрочилик мактабининг сир-синоатларидан яхшигина огоҳ бўлиб, мақом маданиятимизнинг бой ва сержило хазинасининг ўта закий ва зукко кишилари эдилар...

Ҳалим Ибодов ўн саккиз ёшидаёқ Бухорода яхшигина танилган хонанда бўлиб етишди, мақом намуналарини ажойиб ва қойилмақом қилиб ижро этарди, жозибали, ширасси ўткир, ёқимли овози билан санъат мухлисларининг завқ-шавқини уйғотарди, самимий олқишларига муяссар бўларди.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ.
(Давоми бор).

Xullas...

«БЕЧОРА» ҚАРОҚЧИЛАР

Тунда катта бир магазинни ўмариб мўмайгина даромад қилган жиноий гуруҳга кўз тегди шекилли, тонгга яқин қароқчилар ўзаро келишолмай жанжаллашиб қолишди. Жанжал кўп ўтмай аёвсиз муштлашувга, сўнгра эса отишмага айланди. Очиқ гап, ур-сурга арзимасгина нарса — радионинг саҳар пайти улар шилиб кетган магазин ҳақидаги хабари бўлди. Чунки радио савдо дўконидан 10 минг АҚШ доллари қийматига тенг нақд пул ва яна шунча тайёр маҳсулотлар гумдон қилинганини айтганди. Бу хабарни эшитгач қароқчилар дам олиб ўтирган жойларидан сапчиб туриб кетдилар. Ахир, боягина ўмарган ўлжаларини ҳисоб-китоб қилишганда бор-йўғи 4 минг АҚШ доллари қийматига тенг нақд пул ва ундан камроқ тайёр маҳсулотлар қўлга киритилгани аниқланганди. Демак, қолган пуллар қаерда? Қароқчилар бир-биридан шубҳаланишиб тинтувни бошлаб юбордилар, сўнгра...

Ҳа, қаттиқ отишмага сабаб бўлган «разборка» эътиборсиз қолмади. Дарҳол воқеа жойига етиб келган Қарағанда ички ишлар ходимлари қароқчиларни деярли қийинчиликсиз қўлга олдилар. Бироқ, бечора бандитлар барибир қолган пуллар қаёққа гумдон бўлганини билишолмай армонда қолишди. Бу содагиналар ўзларининг ўғрилиги давлат мулкини туя қилиб ётган дўкон мудирларига қўл келиб қолганини қаердан ҳам билишсин, ахир?

БУ ҲАМ БИР ҲУНАР

Америколик Э. Пластетор деган кимса 30 йилдан бери ўзининг ғаройиб ҳунарини намойиш этишдан чарчамайди. У 20 дона совун пуфагидан минора ясайди. Энг қизиғи шундаки, бу оддий пуфаклар узоқ вақт ёрилиб кетмайди. Ҳатто, улардан бири 340 кун бус-бутун турган...

ҲИЖОЛАТДАН ҚУТУЛИШДИ

Пермь вилоятига қарашли Чусовка тумани маъмурияти тумандаги учта йирик кутубхона ходимларидан уялиб, кўрганларида ўзларини панага олиб қочадиган бўлиб қолишди. Ахир, мана, роппа-роса бир йил бўлдики, бу маънавият жонкуярларининг маошларини тўлаб беришолмаяпти. Ниҳоят, туман мэри ўринбосари А. Носов чидаб туролмади: кутубхоначиларга туман махсус таъминот бўлимидан уч банкадан тузланган сабзавот ва ўн рулондан ҳожатхона қоғози ажратишга кўрсатма берди.

...ana shunaqa gaplar

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Навоий давлат педагогика институтининг ректори Равшан Раҳмоновга отаси

Раҳмон ЙЎЛДОШЕВ

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти

1997 йил учун

Докторантурага (13.00.02) — физика, математика, информатика, меҳнат, тарих ва бошқа фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда докторантурада ўқиш учун 40 ёшгача бўлган фан номзодлари қабул қилинади.

Докторантурага кирувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Директор номига ариза.
2. Ходимларни ҳисобга олиш варақаси (расм билан) ва таржимаи ҳол.
3. Докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режаси ва тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза.
4. Матбуотда эълон қилинган илмий ишлар, ихтиролар ва илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳисоботлар рўйхати (форма бўйича).
5. Иш жойидан тавсиянома.

Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй.

ЎзПФИТИ, телефон: 45-56-59.

Т. Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти 1997 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун қуйидаги ихтисослар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

— Педагогика назарияси ва тарихи (13.00.01);
— мактабгача тарбия назарияси ва методикаси (13.00.02);
— бошланғич таълим назарияси ва методикаси (13.00.02);
— ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— тарих ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— биология ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— география ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— тасвирий санъатни ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— физика ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02);
— рус тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02).

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, Ўзбекистон тарихи, фалсафа ва чет тилларининг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида бир йил амалий иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек, бевосита олий ўқув юртини битирган ёш мутахассислар фақат олий ўқув юрти (факультет) илмий кенгаш тавсиясига кўра қўйиладилар.

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 40 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, илмий мақолалар рўйхати ёки реферат, бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг аспирантурага тавсия этилган шахслар учун олимлар кенгаши йиғилишининг қайдномасидан кўчирма, меҳнат дафтарчаси, 2 дона сурат (3х4 ёки 5х6 см ҳажмда), номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклда гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй.

ЎзПФИТИ, Аспирантура бўлими.

АНЪАНАВИЙ КЕНГАШ

Куни кеча пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Тошкент шаҳар ўқитувчиларининг анъанавий август кенгашлари бўлиб ўтди. Кенгашда шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси, туман халқ таълими бўлимлари раҳбарлари, таълим-тарбия муассасалари билан шуғулланувчи раҳбарлар ва таълим фидойилари иштирок этдилар. Йиғинда таълимнинг бугунги кундаги долзарб муаммолари, «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун лойиҳалари муҳокама мавзуи бўлди. Шунингдек, кенгаш қатнашчилари мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» рисоласининг моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида» фикрлашиб олдилар.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бош маслаҳатчиси Т. Эминов, Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов, Тошкент шаҳар ҳокими муовини Ш. Жалилов, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Йўлдошев ва бошқалар иштирок этди.

Норали ОЧИЛОВ,
«Маърифат»нинг махсус мухбири.

БЕФАРҚЛИК БЎЛМАСА...

Ҳозирги замон экологик танглигининг кучайиб бориши оқибатларини ўзимиз нафас олаётган ҳаводан, ифлосланган сувлардан, заҳарланган она тупроғимиздан сезмоқдамиз. Булар ҳаммаси тўғри, лекин жамият тараққиёти, техника ривожи даври деб «буюк оғалар» тарғиботташвиқотлари остида ҳаво, сув ва она табиатимизнинг ҳолатини издан чиқариб юбордик. Йўл қўйишга қўйдик, эндиги масала экологияни нималигини ажрата билишимиз ва ҳаётимизда бу борада рўй бераётган муаммолар ечимини топишимиз зарур.

Экологик тарбияни боғчалардан бошлаб, тўлиқсиз ва умумтаълим мактабларида, лицейларда давом эттиришимиз, ўғил-қизларга тўлароқ тушунча беришимиз керак. Бироқ экология масалаларини ўқитадиган, ўргатадиган ўқитувчи, услубчи ва тарбиячиларимиз кўп эмас. Айримлари ўсимликлар дунёси экология, иккинчилари ҳайвонот дунёси экология, учинчилари парранда дунёси ҳам экология деб таърифлашади. Умуман, таърифларга қўшилса бўлади, аммо ҳаёт учун курашдаги экология иқтисодиётини боғлаб беролмайдилар.

Экологик ҳолат қандай даражада эканлигини тушунишимизни ўсаётган мевали, меваси, шифобахш дарахтлар, ўсимликларнинг ҳамма турларини ўстиришимизда, ҳайвонот, парранда, ҳашарот дунёларининг ривожланишларида экология — «ҳаётиёт» — яшаш учун кураш қонуниятлари намоён бўлади.

Ҳаво, сув, она тупроғимизни булғатмасдан ҳаёт кечиришимиз ўз қўлимизда. Шунинг учун ҳам бобокалонларимиз, ота-боболаримиз сувга туфлама, ҳавони булғатма ва ҳатто сени кўтариб турган ерни ҳам тепмагин, деб таълим бериб келишган. Абу Али ибн Сино таълимоти эса «Ҳавода гард-чанг бўлмаса инсон минг йил умр кўриши мумкин»лигини маълум қилган.

Дарҳақиқат, экологик тангликни кучайтираётган инсоннинг ўзгинаси бўлиб, бобокалонларимиз ўгитига амал қилмаган ҳолда кўп нарсаларга бефарқ қарашлар кўпаймоқда. Шундай экан, улғаяётган авлодда даставвал экологик онгни уйғотишимиз керак.

Йўлчи АҲМЕДОВ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Улуғбек ОДИЛОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0524. Тиражи 33.682. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6